

Ягонасан, муқаддас Ватаним, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!

Мустақил тараққиётимиз йилларида Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида оилалар фаровонлиги, ўзаро аҳиллик ва маънавий-ахлоқий қадриятлар шаклланишига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Пировардида, юртимиз оилаларида юксак маънавий-ахлоқий қадриятлар, миллий урф-одат ва анъаналар ривож топиб, аҳоли турмуш тарзида туб ўзгаришлар амалга ошди. Бугун ҳуллу бу ҳодисага жаҳон ҳамжамияти ҳам катта қизиқиш ва зўр ҳавас билан қарайди.



ОЗОД ВА ОБОД ЮРТНИНГ ФАРОВОН ОИЛАЛАРИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма уч йиллиги арафасида "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида "Оила ва маънавият" мавзусида ўтказилган ижтимоий сўров таҳлиллари ҳам ушбу фикрларимизни яққол тасдиқлайди.

— Мазкур ижтимоий сўровда асо-

сий эътибор истиклол йилларида оилаларда қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятлар, оила институти ривожлантиришнинг муҳим омиллари, уларни мустаҳкамлашда миллий қадриятларимизнинг ўрни ва муҳим аҳамиятига қаратилди, — дейди "Ижтимоий фикр" жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари Ўткир

Қаюмов. — Унда иштирок этган фуқароларнинг аксарияти оиласи фаровонлиги ва маънавий-ахлоқий қадриятлар юксаклигини истиклол шарофати, деб билади ҳамда оилаларнинг ҳар томонлама ривожланиши ва уларни қўллаб-қувватлашда давлатимиз эътибори ва ғамхўрлигини алоҳида эътироф этади. Бундай эътирофлар 95,1 фо-

изни кўрсатмоқда. Бу рақам 2013 йилда 89,6 фоизни, 2012 йилда эса, 85,5 фоизни ташкил этган эди. Солиштирма кўрсаткичлардан ҳам маълумки, мустақиллик йилларида оилаларимиз фаровонлиги ва улардаги маънавий-ахлоқий қадриятлар йил сайин юксалиб бормоқда.

(Давоми тўртинчи бетда)

Мафтунингман, Ўзбекистон!

Тинчлик, барқарорлик — Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи

Жаннатмонанд юртимизни кўриш, ҳалқимизнинг бой маданияти ва анъаналари билан танишиш мақсадида мамлакатимизга келаётган сайёҳлар, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш ниятидаги хорижий ишбилармонлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. ЎзА мухбири Фаргона вилоятига келган айрим сайёҳлар билан сўхбатлашди.

Паул БАННЕРМАН (Канада):

— Ишонасизми-йўқми, мен шу чоқча дунёнинг 192 давлатида бўлганман. Ҳаммаси ўзига хос. Лекин Ўзбекистондек мафтунок юрт, ўзбек халқидек бағрикенг, меҳробанли халқни кўрмаганман. Бу ердаги тинчлик-осойишталик, турли миллат вакиллари билан бир оиладек ахил-иноқ экани руҳиятингни кўтариб, ажойиб кайфият бағишлайди. Самарқанд, Бухоро ва Қўқон шаҳарлари га саёҳат қилдим. Барчаси болалигимда ўқиган Шарқ халқлари эртақларини эслатади. Маҳобатли қадимий обидалар билан замонавийликнинг ажойиб тарзда уй-

ғунлашиб кетгани хотирамда бир умр муҳрланиб қолади. Бу қадимий шаҳарларда ҳаёт қайнаётгани, ўтмиш ва замонавий цивилизация ёнма-ён яшайётганидан ҳайратим чексиз. Халқингиз неча асрлик обидаларни кўз қорачигидек асраб-авайлаб келаётгани гоят қувонарли. Бу - ўзбек халқининг бой тарих ва маданиятга, юксак интеллектуал салоҳиятга эга эканидан далолат.

Муסיқачи бўлганим учун улар менга туганмас илҳом бахш этади.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, одил судловнинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини суд тартибда ҳимоя қилиш борасида муҳим чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Islohot va samara

Апелляция инстанцияси

ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Шунинг баробарида суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини таъминлаш мақсадида ишни кассация инстанциясида кўриб чиқиш тартиби ислоҳ қилинди ва апелляция тартиби жорий этилди.

Шу ўринда бевосита апелляция инстанцияси тўғрисида фикр юритадиган бўлсак, ушбу институт ўз ваколати доирасида қонуний кучга кирмаган ҳукмнинг қонунийлиги, асослилиги ва адо-

латлилигини кўриб чиқади. Бунда апелляция инстанцияси процессуал қонунийлик талабларига лозим даражада риоя қилинганлиги ёки қилинмагани, шунингдек, жиноят иши моҳиятига тааллуқли материалларнинг етарли ва мезърларнинг тўғри қўлланган-қўлланилмагани ҳам қайта кўриб чиқиши мумкин.

Жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирмаган

ҳукмлари устидан — Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига, округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари устидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига апелляция тартибда шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun ko'tagi

Қулай сармоявий муҳит самарадорлиги

Истиклол йилларида иқтисодий-ишловчи барқарор суръатларда ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири-хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш, қулай инвестициявий муҳитни қарор топтириш ва хорижий инвесторларга кенг имтиёзлар ва преференциялар бериш борасида гоятда муҳим ишлар амалга оширилди. Шунинг баробарида хорижий инвестициялар фаолиятини тартибга солиш ва уни жадал суръатларда ривожлантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари яратилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

Стефан ПРИСНЕР: Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати бизни қувонтиради

Ўзбекистон истиклолга эришганидан атиги олти ой ўтиб — 1992 йил 2 март куни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъатни ривожлантириш борасида БМТ билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда. Юртимизда унинг қатор таркибий тузилмалари — Тараққиёт дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Болалар жамғармаси, Аҳолишунослик жамғармаси, ОИВ/ОИТС бўйича бирлашган дастури, Наркотиклар ва жиноятчиликлар бўйича бошқармаси ҳамда Таълим, фан ва маданият масалалари билан шуғулланувчи ташкилотнинг ваколатхоналари фаолият кўрсатаётир.

Ватанимиз мустақиллигининг 23 йиллиги арафасида ЎзА мухбири БМТнинг мамлакатимиздаги доимий мувофиқлаштирувчиси, БМТ Тараққиёт дастурининг доимий вакили Стефан ПРИСНЕР билан сўхбатлашди.

— Ўзбекистон 23 йил мобайнида юқори иқтисодий кўрсаткичларга эришишга муваффақ бўлди, — дейди С.Приснер. — Ўзбекистонда БМТнинг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига эришиш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, таълим,

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя жабҳаларига давлат томонидан катта маблағ ажратиб келинмоқда. Бу Ўзбекистонда ижтимоий соҳани янада ривожлантиришга қаратилган мақсадларига эришиш йўлида қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб, таълим,

(Давоми иккинчи бетда)

Ҳар бир мамлакатнинг жаҳон миқёсидаги нуфузи кўп жиҳатдан унда амал қилаётган сайлов тизимининг очиқлиги ва демократик тамойилларга нечоғли мувофиқлиги билан

чамбарчас боғлиқ. Шу боис мустақилликнинг илк кунлариданоқ мамлакатимизда сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, уларни изчил такомиллаштириб боришга демократик ислохотларнинг муҳим бўлиши сифатида эътибор қаратиб келинмоқда.

Qonun ijodkorligi

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши

Парламент сайловларида халқ хоҳиш-иродасининг янада эркин намоён бўлишини таъминлашга хизмат қилади

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида "Сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғли демократик руҳда эканини намоён этади-

ган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокнинг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масала" эканлиги қайд этиб ўтилган.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз


Уйимизнинг яқинидан катта анҳор оқиб ўтади. Сўнги пайтларда баъзи қўшнилариимиз шу анҳорга ахлат ташлаётганига гувоҳ бўлдим. Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда бундай қимсаларга нисбатан жавобгарлик белгиланганми?

Г.ЭРАЛИЕВ, Қашқадарё вилояти, Яқкабоғ тумани

— Ҳа, белгиланган. Маълумки, "Сув ва ундан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг 3-моддасига кўра, сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки — умум-миллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилана фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан кўриқланади. Бундан ташқари Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 72-моддасига кўра, сувларни ифлослантириш ёки булғатиш, сувтўплагич иншоотларида сувни муҳофаза қилиш режими бузиш — фуқароларга энг кам иш

ҳақининг учдан бир қисмидан бир бараваригача, мансабдор шахсларга эса, бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишнинг зарари ҳисобланади. Шунингдек, ушбу ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса, уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

— Ўзбекистон билан ҳамкорликда турли соҳаларда кўплаб ижобий натижаларга эришишга муваффақ бўлди. Ўзбекистонда 21 йил илгари ўз ваколатхоналарини ташкил этган БМТ агентликлари мамлакатини билан ҳамкорликда фаолият давомида катта ютуқларга эришганини алоҳида таъкидлаш жоиз. БМТ илгари сураётган ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаётгани, уларни ҳаётга татбиқ этишда фаол иштирок этаётгани учун Ўзбекистондан миннатдоримиз.



Биринчи оилам билан баъзи сабабларга кўра, ажрашдик. Бир нафар фарзандимиз — қизим ҳозир 7 ёшда. Бироқ онаси унга алимент тўлашгани ҳам, кўришиб туришимни ҳам тақиқлаб қўйган. Айтинг-чи, у бунга ҳақлими?

Т.НОДИРОВ, Наманган вилояти, Чуст тумани

— Йўқ, ҳақи эмас. Чунки амалдаги Оила кодексининг 71-моддасига кўра, ота-она ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгадирлар. Бундан ташқари ушбу кодекснинг 76-моддасига асосан, боладан алоҳида яшаётган ота (она) билан кўришиш, унинг тарбиясида иштирок этиш ва таълим олиши масаласини ҳал этишда қатнашиш ҳуқуқига эга.

Бола билан бирга яшаётган ота (она) боланинг она (ота)си билан кўришишига, агар бундай қилишнинг боланинг жисмоний ва руҳий соғлиғига, ахлоқий камолотига зарар келтирмаса, қаршилиқ қилмаслиги керак.

Ота-она боладан алоҳида яшайдиган ота (она)нинг оналик ҳуқуқларини амалга ошириш тартиби тўғрисида ёзма равишда келишув тузишга ҳақлидир. Агар ота-она келиша олмасалар, низо ота-она (ёки улардан бири)нинг талабига биноан, суд томонидан васийлик ва ҳомилийк органи иштирокида ҳал қилинади. Суднинг ҳал қилув қарори бажарилмаганда, айбдор ота-онага нисбатан қонун ҳужжатларида назарда тутилган чоралар қўлланилади. Суднинг ҳал қилув қарори қасдан бажарилмаган тақдирда, суд боладан алоҳида яшаётган ота (она)нинг талабига биноан, бола манфаатларини ва унинг фикрини ҳисобга олган ҳолда, болани унга олиб бериш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқариши мумкин.

Мен корхонада оддий ишчи бўлиб ишлайман. Яқинда соҳам бўйича талаба бўлиш бахтига муяссар бўлдим. Аммо онлайн шароитим туфайли ишлашга мажбурман. Шу боис ҳам университетда ҳам таҳсил олишим, ҳам ишлашим мумкинми?

Жавлон БОТИРОВ, Тошкент шаҳри

— Ҳа, мумкин. Маълумки, амалдаги Меҳнат кодексининг 248-моддасига кўра, ишлаб чиқаришда касбга доир таълим олаётган, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда малакасини ошираётган ёки таълим муассасаларида ўқийётган ходимларга ишчи таълим билан бирга қўшиб олиб боришлари учун иш берувчи зарур шароитлар яратиб бериши шарт. Шунингдек, мазкур кодекс-

нинг 249-моддасига асосан, таълим муассасаларида ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиб, ўқув режасини бажараётган ходимлар меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда белгиланган тартибда иш жойидан ҳақ тўланадиган қўшимча таътилга чиқиш, қисқартирилган иш ҳафтаси шароитида ишлаш ва бошқа имтиёзлар олиш ҳуқуқига эгадирлар.

— Оила кодексининг 135-моддасида алиментни ихтиёрий тўлаш тартиблари ҳам кўрсатилган бўлиб, унга кўра, алимент тўлаш шарт бўлган шахс алиментни ихтиёрий равишда шахсан ёки ўз аризасига мувофиқ ишлаб турган жойида ёхуд пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа турдаги маблағ олаётган жойидан тўлайди.

— Оила кодексининг 97-моддасига асосан, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир. Шунингдек, Оила кодексининг 97-моддасига асосан, вояга етмаган болаларига алимент тўлаш ва уларга таъминот беришда ота-онанинг мажбуриятлари тенгдир.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Президент Ислоҳ Каримов томонидан баён этилган Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида қайд этилганидек, барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, очиқ демократик ҳуқуқий давлат куриши, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият даражасига қўйрилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги мақсадни биз ниятда юқори баҳолаймиз. Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатнинг бор салоҳиятини намоён этиш учун инсон омиллини, иқтисодий ривожланиш ва демократлаштириш жараёнларини бараварига олиб бориш муҳимдир.

— Президент Ислоҳ Каримовнинг БМТнинг асосий гоя ва мақсадларига мос ёндашувлари — минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, турли мамлакатларда рўй бераётган қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббуслари баён қилсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, халқроқ муносабатларда юзга келиши мумкин бўлган барча тортишувларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган гоя ва ташаббуслари бизни қувонтиради. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида ўз аксини топган бўлиб, унда халқроқ тинчлик ва хавфсизликни сақлашда БМТ мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида эътироф этилган ҳамда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати юритилиши, минтақадаги мамлакатлар билан ташқи сиёсатини ҳамкорлик ва дўстлик руҳида олиб бориши таъкидланган.

— Президент Ислоҳ Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, халқроқ муносабатларда юзга келиши мумкин бўлган барча тортишувларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган гоя ва ташаббуслари бизни қувонтиради. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида ўз аксини топган бўлиб, унда халқроқ тинчлик ва хавфсизликни сақлашда БМТ мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида эътироф этилган ҳамда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати юритилиши, минтақадаги мамлакатлар билан ташқи сиёсатини ҳамкорлик ва дўстлик руҳида олиб бориши таъкидланган.

Qonun ko'magi

Қулай сармоявий муҳит самарадорлиги

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бугунги кунда юртимизда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб 10 йил мобайнида инвестиция киритилган санада амал қилган солиқ қонунчилиги қўлланилиши кафолатланди.

50 миллион АҚШ долларидан ошадиган ва хорижий инвесторнинг улуши камида 50 фоиз бўлган инвестиция лойиҳалари доирасида, ишлаб чиқариш майдонидан ташқарида зарур ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш бюджет маблағлари ҳамда бошқа ички молиялаштириш манбалари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Президентимизнинг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция клими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони билан тасдиқланган қўшимча чора-тадбирлар Дастурида инвестиция клими ва ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш борасида 50 га яқин тадбирлар белгиланган бўлиб, унинг асосий қисми тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга (17 та норма-тив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда 20 га яқин қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш) қаратилган.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг, Қорақалпоғистон Республикаси Жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг ҳукми устидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг ҳукмлари устидан берилган апелляция шикоятлари ва протестлари айнан шу судларнинг ўзи томонидан кўриб чиқилади.

Айтиш керакки, апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали юқори турувчи суднинг апелляция инстанциясига берилади. Шикоят ёки протест бевосита апелляция инстанция судига топширилган бўлса, суд Жиноят процессуал кодексининг 479-моддаси иккинчи, учинчи ва

Mustaqilligimizning 23 yilligi oldidan

Стефан ПРИСНЕР: ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТИНЧЛИКПАРВАР СИЁСАТИ БИЗНИ ҚУВОНТИРАДИ

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида яқин ҳамкорлик қилиб келмоқда.

БМТнинг Ўзбекистондаги барча агентликлари миллий ҳамкорлар билан биргаликда ҳамкорлик дастуримизнинг 2016-2020 йилларга мўлжалланган устувор йўналишларини ишлаб чиқмоқда.

— Президент Ислоҳ Каримовнинг асосий гоя ва мақсадларига мос ёндашувлари — минтақада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, турли мамлакатларда рўй бераётган қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этиш борасидаги ташаббуслари баён қилсангиз.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг тинчликпарвар сиёсати, халқроқ муносабатларда юзга келиши мумкин бўлган барча тортишувларни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган гоя ва ташаббуслари бизни қувонтиради. Мазкур тамойиллар Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолият концепциясида ўз аксини топган бўлиб, унда халқроқ тинчлик ва хавфсизликни сақлашда БМТ мувофиқлаштирувчи ташкилот сифатида эътироф этилган ҳамда Ўзбекистоннинг тинчликсевар сиёсати юритилиши, минтақадаги мамлакатлар билан ташқи сиёсатини ҳамкорлик ва дўстлик руҳида олиб бориши таъкидланган.

2014 йил 6 майда Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зона барпо этиш тўғрисидаги Шартномага Хавфсизлик кафолатлари тўғрисидаги Протоколнинг имзоланиши минтақа давлатларининг умумжаҳон тинчликни сақлаш тамойилларига содиқлиги ва қудирлигини намоён қилди. Мазкур халқроқ ҳужжат Марказий Осиёда ҳеч қандай ядровий қурол қўлламаслик, бундай қурол билан минтақа давлатларини кўрқитмасликни кафолатлайди. Шундай қилиб, Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан сайёраимизнинг шимолӣ ярим шароли ядровий қуролдан холи бўлган илк худуд яратилди. БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Марказий Осиё давлатлари — Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонни Марказий Осиё худудининг хавфсизлигини таъминлашда муҳим қадам қўйилгани муносабати билан қутлади.

— Ўзбекистонда ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган эътибор ва бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикрингиз.

— Дунёнинг кўплаб мамлакатларида аҳолининг аксарияти кексалардан иборат экани тобора долзарб масалага айланиб бораётган бир пайтда Ўзбекистонда ёшларнинг кўплиги диққатга сазовор. Мамлакатингизда ёш авлод фаровонлигини таъминлашга катта эътибор қаратилаётгани, жумладан, 2014 йилнинг Со-

ғлом бола йили, деб эълон қилинган, шу муносабат билан ишлаб чиқилган Давлат дастури изчил амалга оширилаётгани қувонарли ҳолдир.

2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури қабул қилинган ҳам алоҳида эътирофга сазовордир. Ушбу дастур аҳоли, жумладан, жисмоний ва руҳий заиф болалар учун соғлиқни сақлаш ва ижтимоий тикланиш соҳасида юқори сифатли тиббий хизматлардан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришга қаратилган билан эътиборга молик.

Ўзбекистонда мактабгача таълим, умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими қамровини кенгайтириш, барча босқичлардаги таълим сифатини яхшилаш мақсадида амалга оширилган ишлар БМТ томонидан юксак баҳоланди.

Ёшлар — юрт келажагидир. Шу боис улар ҳар томонлама кўллаб-қувватланиши, мамлакат ривожланишига ҳисса қўшиб, тараққиёт жараёнининг етакчиларига айланиши лозим. Бу борада Ўзбекистонда амалга оширилаётган ишлар БМТнинг XXI аср ёшлари, деб номланган ташаббуси билан ҳамроҳандир. Ушбу ташаббус бутун дунё бўйлаб ёш ўғил-қизлар, ўсмирлар орасида етакчилик қобилиятлари ва кўникмаларини ривожланти-

риб, уларни демократик тамойилларга асосланган давлат бошқаруви ва тараққиёт жараёнида фаол иштирок этишга даъват этади.

— Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзА веб-сайтида (www.uza.uz) БМТнинг барча расмий тилларида бериб бориладиган янгиликларни кузатиб борасизми?

— БМТнинг расмий тиллари, яъни инглиз, араб, испан, хитой, рус ва француз тиллари дунёда энг кенг тарқалган тиллардир. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг www.uza.uz сайтыда саккиз тилда, жумладан, БМТнинг барча расмий тилларида материаллар бериб борилиши алоҳида мақтовга лойиқ. Бу Ўзбекистоннинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига оид ахборотларни жаҳон жамоатчилигига етказишда муҳим аҳамият касб этади.

— Ўзбекистон халқига байрам тилакларингиз.

— Яқинлашиб келаётган улғ айём — Мустақиллик байрами муносабати билан Ўзбекистон халқига энг зўғ тилакларини изҳор этаман. Мамлакатингизга доимий тинчлик ва барқарорлик, юксак тараққиёт, халқингизга мустақам соғлиқ тилайман. БМТ ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорлик янада мустаҳкамланишига ишонаман.

ЎЗА муҳбири Ирода УМАРОВА сўхбатлашди.

ма расмийлаштирилди ва жиноят ишлари бўйича Жалақудук туман судига тақдим этилди. Суднинг қарорига кўра, филиал бош муҳандисига нисбатан жарима жазоси қўлланилди.

Умуман айтганда, жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб, судларга жами 3,9 миллиард сўмлик 199 та дарво аризаси киритилди ва суд қарорларига мувофиқ корхоналар ихтиёрига 2,8 миллиард сўм миқдордаги маблағ қайтарилиши таъминланди. Масалан, Андижон шаҳридаги "Ўз-Сэмюнг Ко" қўшма корхонасида ўтказилган мониторинг жараёнида "Андижон иккиламчи қора металл" шўьба корхонасининг қўшма корхонага нисбатан қарздорлиги мавжудлиги аниқланди.

Адлия бошқармаси томонидан ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида вилоят ҳўжалик судига дарво аризаси киритилди. Суднинг қарорига биноан, шўьба корхонадан "Ўз-Сэмюнг Ко" қўшма корхонасига 154 миллион сўмдан ортқ қарздорлик ундирилиши белгиланди.

Ҳулоса қилиб айтганда, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарга яратилган имкониятлар ва имтиёзлар рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш қўламини янада кенгайтириш, экспорт салоҳиятини янада ошириш, истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан тўлдирish ҳамда хорижий давлатлар билан мамлакатимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш имконини бермоқда.

Адхам ТУРДИЕВ, Адлия вазирлиги масъул ходими

Islohot va samara

Апелляция

шикоятини қайтариб олишга ҳақлидир.

Жиноят процессуал кодексининг 497¹¹-моддасига биноан, апелляция инстанциясида иш юритиш биринчи инстанция судидаги иш юритиш қоидалари бўйича, шунингдек, ушбу кодекснинг 55¹-бобида баён этилган қоидалар бўйича ўтказилади.

Иш қўриладиган жой ва сана ҳақида вақтида хабардор қилинган шахсларнинг ҳозир бўлмаслиги ишни қўриш ва қарор чиқаришга монелик қилмайди.

Биринчи инстанция судида сўроқ қилинган гувоҳлар, агар суд тарафларининг ил-

тимоси бўйича ёки ўзининг ташаббуси билан уларни чақиришни зарур деб топган бўлса, апелляция инстанцияси судида сўроқ қилинади.

Тарафлар янги гувоҳларни чақириш, экспертиза ўтказиш, уларга биринчи инстанция суди томонидан текшириб қўриш рад этилган ашёвий далиллар ва ҳужжатларни талаб қилиб олиш тўғрисида илтимос қилишга ҳақлидир.

Арз қилинган илтимосларни ҳал этиш Жиноят процессуал кодексининг 438-моддаси қоидалари асосида амалга оширилади.

Саволларга Олий суд катта консультанти Гулнора МИРЗААЛИМОВА жавоб берди.

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бу қоида, ўз навбатида, сайлов тизимининг қонунчилик асосларини шакллантиришга масъулият ва талабчанлик билан ёндашишни, уларни ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий муносабатларнинг, фуқаролар ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданиятининг етуқлиги даражасини инобатга олган ҳолда босқичма-босқич ва изчил такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда, ўз моҳиятига кўра, турли даражадаги сайловлар хусусияти инобатга олинган ҳолда сайлов тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Фуқароларнинг амалдаги қонун ҳужжатларида мустақамлаб қўйилган ҳуқуқлари, сайлов қоидалари ва тартиб-таомиллари сайловларни умумэтироф этилган демократик принциплар ва андозаларга, шу жумладан, яширин овоз бериш орқали умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлаш ҳуқуқи сингари фундаментал тамойилларга тўла мос ҳолда ўтказиш имкониятини бермоқда. Умуман олганда, мамлакатимизнинг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари аксарият ривожланган демократик давлатларда бўлгани сингари сайловлардан сайловларгача бўлган даврларда тобора такомиллаштирилмоқда ва ривожлантирилмоқда.

Бу табиий тадрижий жараён бўлиб, у бир томондан, мамлакатимизда рўй бераётган муҳим таркибий демократик ўзгаришларнинг натижаси бўлса, иккинчи томондан, бу жараённинг ўзи Ўзбекистонда амалга оширилаётган давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги демократик ислохотларнинг бориши ва мазмунига таъсир кўрсатмоқда.

Яқинда парламент қуйи палатаси томонидан "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. Айтиш керакки, ушбу қонун лойиҳаси Мамлакатимизда демократик исло-

хотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси доирасида, шунингдек, яқинда қабул қилиниб, кучга кирган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига) "ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 25 июндаги Фармойиши билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган тузатишларни ҳаётга жорий қилиш дасту-

ри довомида рия этиши шарт бўлган ушбу беш принципнинг мазмун-моҳияти алоҳида моддаларда очиб берилди.

Шу ўринда қонун лойиҳасидаги яна бир муҳим жиҳатга эътибор қаратиш зарур. Яъни "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси биринчи ва иккинчи қисмлар билан тўлдирилмоқда.

Ушбу тўлдиришларга мувофиқ, эндиликда йигирма беш ёшга тўлган, қоида тариқасида, олий маълумотга, Ўзбекистон Республикаси

рида қабул қилинаётганда Президентимиз "Сайлов комиссияларига аъзолик" деб номланган 16-моддани "Оқруғ ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тайинланади," деган қоида билан тўлдиришни тақлиф этган эдилар. Ушбу тақлиф миллий, маънавий урф-одатларимизга ҳамоханг эканлигини изоҳлашга зарурат йўқ деб ўйлаймиз. Шунинг учун ушбу амалиётдан келиб чиқиб, тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида Марказий сайлов комиссияси аъзолигига

тига бевосита боғлиқ.

Шунинг учун ҳам тақлиф этилаётган қонун лойиҳасида Марказий сайлов комиссияси фаолиятини молиялаштиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш мақсадида, Бюджет кодексининг 70-моддаси биринчи қисми, 8-банди еттинчи хат-боши "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг сайловлар ва референдумларга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказиш бўйича харажатлари, шу жумладан, округ ва участка сайлов комиссияларини, сиёсий партияларни молиялаштириш" алоҳида бандда кўрсатилмоқда.

Шунингдек, ушбу қоида "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 15-моддасига ҳам киритилмоқда.

Шунингдек, қонун лойиҳасида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни янги мазмундаги "Сайлов ва референдумни ташкил этиш ҳамда ўтказиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик" деб номланган алоҳида V-боб билан тўлдириш тақлиф этилмоқда. Кодексга киритилиши назарда тутилган ушбу тўлдиришлардан кўзланган асосий мақсад — сайлов ва референдум тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун қимтидор маъмурий жавобгарликка тортиш эмас, балки, аксинча, энг аввало, бундай ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий адолат ва қонунийликни таъминлаш, қолаверса, фуқароларни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига рия этиш руҳида тарбиялашни назарда тутати.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши сайлов эркинлиги принципининг янада тўлиқ амалга оширилишига, мамлакатимиз сайлов тизимини янада демократлаштиришга хизмат қилади.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси

Мафтунингман, Ўзбекистон!

Тинчлик, барқарорлик — Ўзбекистоннинг энг катта ютуғи

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Миссис Хендел ДАЛИЛА (Италия):

— Ўзбекистонга учинчи бор келишим. Қисқа муддатларда мамлакатингиз, хусусан, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилибди. Бу Президент Ислам Каримов раҳнамолигида узокни кўзлаб олиб борилаётган доно сиёсат самарасидир.

Бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида рўй бераётган нотинчлик, қарама-қаршиликлар одамларнинг тинчасини қуритмоқда. Ўзбекистонда доимо тинчлик-осойишталик барқа-

дор, халқ бунёдкорлик, яратиш билан машғул. Одамларнинг юз-кўзидаги хотиржамлик, эртанги кунга ишонч беихтиёр сенга ҳам кўчади. Завкинг келадди. Кўчалар озода, бозорлар тўкин-сочин. Мустақиллик байрами арафасида бу ерда бўлиб, ўзбек халқи қувончига шерик бўлаётганимдан хурсандман.

Кўқон ва Марғилон шаҳарларида, Риштонда ўзбек халқининг бой мероси билан танишдим. Хўнармандлар қўлидан чиқаётган ноёб маҳсулотлар одамни ҳайратга солади.

Руз ТРЕЙДЕ (Австралия):

— Юз марта эшитгандан бир марта кўрган яхши дейдилар. Юртингиздаги мўъжизавий шаҳарларни томоша қилиб, қадимий ва бой маданиятингиз, миллий урф-одатларингиз билан танишиб, Ўзбекистонга мафтун бўлиб қолдим. Жаннатмонанд бу заминда етиштирилган ширин-шакор ноз-неъматлардан баҳраманд бўлдим. Уларнинг таъмини ҳеч қачон унутмайман. Сўлим ва баҳаво

табиати ҳам ўзгача. Ўзбекистонда сайёҳларнинг марокли дам олиши учун барча қулайликлар мавжуд. Юртингизнинг жаҳон туризм бозорига нуфузи тобора ошиб бораётган.

Тинчлик, барқарорлик, бунёдкорлик — Ўзбекистоннинг, ўзбек халқининг энг катта ютуғидир.

ЎЗА МУҲБИРИ
М.СУЛАЙМОНОВ
ёзиб олди.

Qonun ijodkorligi

Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши

Парламент сайловларида халқ хоҳиш-иродасининг янада эркин намоён бўлишини таъминлашга хизмат қилади

ри" асосида ишлаб чиқилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир.

Қонун лойиҳасида амалдаги бир қатор қонунларга, жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонунга, Бюджет кодексига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилган.

Ушбу қонун лойиҳаси билан "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги қонуннинг 2-моддаси иккинчи қисми "Марказий сайлов комиссияси фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик, адолатликдан иборат" деган таҳрирда баён этилди ва айнан Конституция матнига тўлиқ мувофиқлаштирилди.

Шунингдек, Марказий сайлов комиссияси ўз фаолия-

Президентлигига ва давлат ҳокимиятининг вакиллик органларига сайловларни, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш борасида иш таҳрибасига эга бўлган, жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозongan ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшаб турган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Марказий сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Шу ўринда жамоатчилик ўртасида обрў-эътибор қозongan фуқаролар орасидан Марказий сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар кўрсатиш ҳақидаги қоидаларни киритиш жуда муҳимдир. Қолаверса, унинг ўзига хос рамзий маъноси бор.

Эсингизда бўлса, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун янги таҳ-

номзодлар жамоатчилиги ўртасида обрў-эътибор қозongan шахслар орасидан кўрсатилиши ҳақидаги қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ деб топилмоқда.

Қонун лойиҳасида "Марказий сайлов комиссиясининг доимий асосда ишловчи аъзолари илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа турдаги фаолият билан шуғулланишларига йўл қўйилмаслиги" ҳақидаги қоидаларни белгилашни эса, Марказий сайлов комиссияси аъзоларининг қимгадир тобе бўлиб қолиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади ва бу ҳам амалиётдан келиб чиқиб, ўз вақтида киритилаётган меъҳорлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Маълумки, ҳар қандай давлат органининг эркинлиги ва фаолиятининг том маънодаги мустақиллиги, энг аввало, унинг молиявий таъмино-

Maslahat

Мамлакатимизда тадбиркорликнинг барча шакллари — кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти тобора ривожланиб, юртимиз равнақига муносиб улуш қўшмоқда. Бу борада оилавий тадбиркорлар ҳам муҳим ўрин тутмоқда. Айтиш жоизки, оила мустақамлигини таъминлашга хизмат қилувчи оилавий тадбиркорлик ўзининг мустақам ҳуқуқий асосига эга. Аниқроқ айтганда, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонун бу борада юзага келадиган ижтимоий муносабатларни тартибга солиши билан аҳамиятлидир.

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасида оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғилган ҳамда ўғай ака-ука ва опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинла-

ри) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкинлиги белгиланган.

Бундан ташқари қонуннинг 26-моддасида оилавий корхона қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ягона солиқ тўловини тўловчидир, оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди, оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган

Оилавий тадбиркорлик

юртимиз равнақига муносиб улуш қўшмоқда

имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади деб белгиланган.

Қонуннинг 27-моддасига кўра, оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текшириш кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Қонуннинг 28-моддасига кўра, оилавий корхона турар жойдан бир вақтининг ўзида унда истикомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари

(электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади. Коммунал хизмат кўрсатиш, электр ва газ таъминоти корхоналари зарур коммуникация тармоқларининг оилавий корхона фаолияти амалга оширилаётган жойга етказилишини ҳамда уланшини аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида таъминлайди.

Иномжон АБДУРАҲИМОВ,
Олий суд катта консультанти

ИНСТАНЦИЯСИ

ҳукм, қарор ва ажримларнинг қонунийлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Айтиш керакки, Жиноят процессуал кодексининг 497¹³-моддасига асосан, апелляция инстанция суди ишни кўриб тугатган:

биринчи инстанция судининг ҳукмини ўзгаришсиз, шикоят ва протестни эса, қаноатлантиришсиз қолдиришга;

биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва оқлов ҳукмини чи-

қаришга;
биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилиш ва ишни тугатишга;
биринчи инстанция суди ҳукмини ўзгариштиришга;
биринчи инстанция судининг ҳукмини бекор қилиш ва Жиноят-процессуал кодексининг 419-моддаси 1-қисмида кўрсатилган асослар бўйича ишни қўшимча тергов юритиш учун юбориш-

га;
биринчи инстанция судининг ҳукмини ёки ажримини бекор қилиш ва ишни янгида кўриш учун юбориш юзасидан ўзига берилган ҳуқуқ ва ваколатлар асосида тегишли қарор қабул қилади.

Апелляция инстанцияси суди шикоят ёки протестни қаноатлантиришсиз қолдиришга, ўз ажримида шикоят ёки протестнинг қандай сабабларга кўра, қаноатлантиришсиз қолдирилганини кўрсатиб ўтиши лозим. Шунингдек, апелляция шикояти ёки протестини бериш тартиби бузилган ёки мuddати ўтган бўлса, апелляция инстанцияси суди бундай ҳолатда шикоят ёки протестни қаноатлантиришсиз, суд қарорини ўзгаришсиз қолдиришга ҳақли.

Судланувчи айбисиз деб топилганда, апелляция ин-

станция суди биринчи инстанция судининг айблов ҳукмини бекор қилади ва оқлов ҳукмини чиқаради. Апелляция инстанцияси биринчи инстанция судининг қарори (ҳукм, ажрим) ни бекор қилиб, ишни қўшимча тергов юритиш ёки ишни янгида кўриш учун юборганда, ўз ажримида аниқлашни лозим бўлган ҳолатларни албатта, кўрсатиб ўтиши керак. Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят ишларини апелляция тартибда кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарориди "Ҳукми бекор қилиб, ишни қўшимча тергов юритиш учун юбораятганда, суд дастлабки тергов органи томонидан қандай ҳолатлар аниқлашни шартлигини кўрсатиши шарт" эканлиги белгилаб қўйилган.

Зеро, ажримларни асос-

лантириш шикоят ёки протест берган процесс иштирокчилари учунгина эмас, балки биринчи инстанция судлари учун ҳам муайян аҳамиятга эга. Зотан, ажрим асосланганда ишни кўришда йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатлари ва бошқа процессуал хатолар алоҳида кўрсатиб ўтилади.

Хулоса қилиб айтганда, апелляция инстанцияси куйи судлар томонидан йўл қўйилган процессуал хатоларни ўз вақтида бартараф этиш, иш юзасидан ҳақиқатни аниқлаш, маҳкумга нисбатан адолатли жазо тайинлаш, бир сўз билан айтганда, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлаш имконини бермоқда.

Умрбек ҲАСАНОВ,
жиноят ишлари бўйича Янгибозор тумани судининг раиси

Insonparvarlik tamoyillari

Ярашув — бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги намунаси

Истиқдол йилларида ҳақимизга хос бўлган кечиримлик, баррикенглик, йиқилганин суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби юксак қадриятлар қабул қилинаётган қонунларга чуқур сингдирилиб борилаётгани амалда кутилган самараларни бермоқда. Жумладан, ана шундай бебаҳо қадриятларимизни ўзида мужассам этган ярашув институтининг амалга жорий этилиши мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатли ҳимоя қилиш йўлида муҳим қадам бўлди.

Айтиш керакки, ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишлари ҳаракатдан тугатиш жабрланувчига етказилган зарар тез ва тўлиқ қопланганини таъминлабгина қолмай, жиноят содир этган шахс жиноий жавобгарликдан озод этилгани учун судланмаган ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 62-бобида ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритишнинг маҳсулус тартиби белгилаб қўйилган. Унга кўра, ярашув тўғрисидаги ариза жабрланувчи (фуқаровий давогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришдан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритишнинг тугатиш тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

Ярашув институтининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, у жабрланувчига ўзига етказилган зарар миқдоридан келиб чиқиб, айбловни қўллаб-қувватлаш ёки ундан воз кечиш ҳуқуқини


беради. Айна пайтда жиноят содир этган шахсини ўйлашга мажбур қилиб, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, айбига икдор бўлиш, жиноятни фош этишига кўмаклашиш, хуллас, у ёки бу шаклда ҳуқуқни муҳофаза қилиш мақсадида фаолият кўрсатишга туртки беради.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Жавлон Аҳадов (исм-шарифлар ўзгартирилган) жорий йилнинг 15 феврал кунини кўниси Дилшод Анваров билан ўзаро жанжаллашиб қолади. Бунинг оқибатида Жавлон Дилшодга кўл қўтарилади ва унга тан жароҳати етказилади. Судга оид тиббий экспертиза хулосасига кўра, жабрланувчи Д.Анваров ўртача оғирликдаги тан жароҳати олганлиги аниқланади.

Суд мажлисида жабрланувчи Д.Анваров судланувчи Ж.Аҳадовга нисбатан ҳеч қандай даввоси йўқлигини, улар ҳозирда ўзаро ярашиб олишганини, ярашув ихтиёрий бўлганлиги сабабли унга нисбатан юритилаётган жиноят ишлари ҳаракатдан тугатишни сўраб, ариза билан мурожаат қилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди ва соҳага доир қонунчилик базаси изчиллик билан такомиллаштириб борилмоқда. Пировардида фуқароларнинг суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқи тўлиқ таъминланибгина қолмай, судларнинг мустақиллиги янада мустаҳкамланиб, ода судлов самарадорлиги ортади.



Mutolaa

«Судлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» тўплами нашрдан чиқди

Албатта, даврнинг шиддат билан ўзгариши, иқтисодиётимизнинг барқарор суръатларда юксалаётгани, фуқаролар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар қўламининг кенгайиб бораётгани суд-ҳуқуқ тизимига оид қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришни ҳамда соҳага доир ҳар бир янгиликдан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ва кенг жамоатчиликни ўз вақтида хабардор қилиб боришни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан нашрга тайёрланган «Судлар фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» тўплами ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Айтиш жоизки, амалдаги қонунчилигимизда 2014 йил 1 июнгача бўлган ўзгариш ва қўшимчаларни қамраб олган мазкур тўпламда судлар фаолиятига доир барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўрин олган. Чунинчи, «Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида», «Судлар тўғрисида» (янги тахрири), «Ҳакамлик судлари тўғрисида»ги қонунларнинг тўлиқ матни судьялар ва суд тизими ходимларининг касбий фаолиятида муҳим ҳуқуқий асос вази-

фасини ўтайди. Шунингдек, «Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида»ги Низом, Президентимизнинг 2013 йил 4 октябрдаги «Туман ва шаҳар умумий юрисдикция судлари фаолиятини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 декабрдаги «Судлар фаолиятига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳам мазкур тўпламга киритилган. Шунингдек, тўпламдан ўрин олган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳуқуқий ҳужжатлари тўғрисидаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг қарори билан тасдиқланган «Судьялар оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар» тўплами судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари учун муҳим қўламли бўлибгина қолмай, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга хизмат қилиши билан алоҳида эътиборга молик.

Д.РАХИМБЕКОВА

E'tirof

Озод ва обод юртнинг фаровон оилалари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)


Сўров-тадқиқот натижаларига кўра, кейинги йилларда фуқароларимиз маънавиятини юксалтиришда, фаровонлиқни таъминлашда турли ижтимоий институтларнинг ҳам ҳиссаси ортмоқда. Унда маҳалла (52,2 фоиз), таълим муассасалари (47,6 фоиз), ижтимоий муҳит (30,9 фоиз), оммавий ахборот воситаларининг (26,2 фоиз) салмоқли иштироки сезилади.

Ижтимоий сўров фуқароларимизнинг давлатимиз томонидан маънавий-ахлоқий соҳада амалга ошираётган сиёсатини юқори баҳолаганликларини кўрсатди. «Истиқлол йилларида маънавий-ахлоқий соҳада амалга оширилаётган ишларни қўллаб-қувватлайсизми?» деган саволга 94,2 фоиз иштирокчи ижобий жавоб беришди.

Оилавий ҳаётдаги тинч-хотиржамлик, аҳиллик ва кут-бараканинг асосини ўзаро ҳурмат, ишонч ва муҳаббат, шунингдек, сабр-тоқат, ҳалол меҳнатда, деб билади ўзбекистонликлар. Бу ҳаётини тушунчалар, айниқса, истиқлол йилларида янада сайқалланиб, ширин мева бермоқда. Ижтимоий сўров таҳлиллари юртдошларимизнинг аксарияти (92,3 фоиз) энг бахтли оила аъзолари эканлигини кўрсатади.

Ижтимоий сўров иштирокчиларининг таъкидлашича, Президентимиз раҳнамолигида юртимиз ёшларини ҳар жиҳатдан етук, соғлом ва бақувват этиб тарбиялашдаги амалий ишлар таҳсинга лойиқ. Улар фикрича, бу жиҳатлар порлоқ келажагини таъминлай оладиган, Ватанига ва ўз оиласига садоқатли фарзандлар камолида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Шунингдек, сўров натижалари йил сайин ўзбекистонлик ёшларнинг билим олишга бўлган иштиёқи ортиб бораётганини кўрсатади. Буни олий ўқув юртлирида ўқиб истагини билдираётган ва таҳсил олаётган умидли ёшлар мисолида ҳам пайқаш мушкул эмас.

Тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, мустақиллик йилларида Ўзбекистон оилалари болалари саломатлигига алоҳида эътибор қаратади. Шу мақсадда, спортга жалб этиш орқали жисмонан соғлом, маънан етук фарзандлар тарбияси ҳар бир ота-она олдидаги асосий вазифага айланган. Сўровда иштирок этган 90 фоиз



аҳоли мамлакатимизда болалар спорти ривожига қаратилган кенг миқёсдаги ишларни юксак кадрлайди ва бу жараён соғлом бола йилида ҳам изчил давом этаётганидан миннатдор.

Қисқаса, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан «Оила ва маънавият» мавзусидаги ижтимоий сўров таҳлиллари мустақиллик йилларида юртимиз оилалари жамиятининг асосий бўғини ва таянчига айланганини, бугун юртдошларимиз онги, тафаккурда содир бўлган ижобий ўзгариш ва маънавий-ахлоқий юксалиш моҳияти, аввало, Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган халқчил сиёсат ва оилаларга қаратилган юксак эътибор, ғамхўрлик туфайли кадр топиб, ривожланиб бораётганини кўрсатади.

Улуғбек АСРОРОВ,
журналист

Insonparvarlik tamoyillari


Ярашув – бағрикенглик ва инсонпарварликнинг амалдаги намунаси

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Шунингдек, судланувчи Ж.Аҳадов ҳам айбига тўлиқ иқдор бўлиб, содир этган қилмишининг оқибатларини тушуниб етганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини таъкидлаб, ўзига нисбатан юритилаётган жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни илтимос қилди.

Суд юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, Жиноят кодексининг 66-моддасига асосан, жиноят ишини ҳаракатдан тугатишни лозим деб топти.

Яна бир мисолга эътиборингизни қаратсак, Азиз Даминов 2014 йилнинг 29 март кун Наим Парпиевга тегишли «Матиз» русумли автомашинани тегишли ҳужжатларсиз бошқариб бораётган амалдаги йўл ҳаракатлари қоидаларининг 3.5 банди 4-қисми, 10.11 банди, 12.1 банди 1-қисми талабларини қўпол равишда бузади. Аниқроқ айтганда, у ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга, айниқса, болаларга ва қарияларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини қўриш, транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва бошқа ҳаракатланувчиларга ҳалақит бермаслиги, башарти зарурат туғилганда, бо-



шқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиш кераклиги, йўл ва об-ҳаво шароитини ҳисобга олиш каби талабларга амал қилмай машинанинг орқа томони билан воёга етмаган пиёда Фуқрат Самадовни уриб юборади. Оқибатда Фуқрат Самадов ўртача оғир даражада тан жароҳати олади. А.Даминов бу қилмиши билан Жиноят кодексининг 266-моддаси (Транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган. Биринчи босқич суди жиноят ишида тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ҳуқуқий баҳо берди. Жабрланувчига етказилган

зарар тўлиқ қопланиб, ярашиб олишгани сабабли жиноят иши ҳаракатдан тугатилди.


Хулоса қилиб айтганда, ярашув институти тарафлар ўртасида юзага келган низо-ларга барҳам бериш ва улар ўртасида дўстона муносабатларни қарор топтириш, жабрланувчига етказилган моддий зарарини қоплаш, айбдорга ўз хатосини англаб етиш ва уни судланганлик ҳолатидан сақлаб қолишдек эзгу амалларга хизмат қилаётгани билан аҳамиятлидир.

Наргиза ҚОСИМОВА,
жиноят ишлари бўйича
Учтепа тумани
судининг судьяси
Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,
«Куч — адолатда» муҳбири

Garoyib olam

Маълумки, инсон хотираси юксак салоҳияти ва чексиз имкониятлари билан ҳамisha киши эътиборини ўзига тортиб келади. Айни вақтда эса яхши сақланган маълумотлар кишига куч бахш этади ва бир қатор қулайликларни яратади. Шу маънода, зеҳни тиниқ одамларга кўччилик ҳавас билан қарайди.

Биз билган ва билмаган дунё ХОТИРАНИНГ ЧЕКСИЗ ИМКОНИЯТЛАРИ



Эътироф этиш керакки, сайёраимизнинг энг кучли хотира соҳиби сифатида америкалик Ким Пик тан олинган. Биргина факт: у ўқиган ҳар қандай: хоҳ илмий, хоҳ бадийий матннинг 98 фоиздан ортигини аниқ эслаб қолиш қобилиятга эга. Шунинг учун бу нодир хотира эгасини таълим-билишлари ҳам ҳазил тарихида, ҳам астойдил тан бериб «Ким-пютер» деб ҳам аташган. Ундаги уқув ва қобилият шу қадар юқори бўлганки, мисол учун ҳар қандай мураккаб мавзудаги китобнинг ҳар бир varaгини у атиги 8-10 лаҳзада ўқиб чиқа олган ва ҳеч бир жумласида адашмай такрор айтиб бериб, ҳаммани қойил қолдирган. Энг қизиғи, ҳаётининг охириги дақиқаларигача унинг хотирасида 12 000 дан ортиқ турли жанрлардаги китоблар майда тафсилотларигача тўлиқ сақланиб қолган.

Яна бир кучли хотира эгаси — англиялик Даниел Таммет эса, ёзув-чизувсиз ва ҳеч бир ҳисоблаш воситаларисиз ўта мураккаб математик амалларни ҳисоблай олиши билан одамлар эътиборини қозонган. Даниел 1979 йилда Лондонда туғилган ва тўрт ёшидаёқ мураккаб сонлар устида кўпайтириш ва бўлиш амалларини бехато бажара олган. У юздан ортиқ математик белгига эга мисоллар устида бемалол ишлай олади. Айниқса, мураккаб математик амаллар устида ишлаганида, вергулдан кейинги 22 тагача бўлган сонларни аниқ айтиб беради. Шунингдек, 1000 дан ортиқ саналар унинг хотирасида бир умрга «муҳрланган» лиги ҳам кишини ҳайратга солади.

Энг қизиғи, у нафақат математиканинг энг қийин амалларини, балки турли халқлар тилларини ҳам мукамал ва тез ўзлаштириш қобилиятига эга. Хусусан, 11 та тилни мукамал билиши билан бирга, исланд тилини етти кун ичида тўлиқ ўзлаштиришга муваффақ бўлган.

Айтиш керакки, фавқулодда кучли қобилият соҳиблари орасида айни пайтда Кембриж университетининг энг ёш талабаси номига сазовор бўлган Аррен Фернадеснинг ҳам номи тилга олинади. У 1995 йилда Англияда дунёга келган. Аррен уйда таълим олган ва ўн ёшидаёқ илмий йўналишдаги нуфуз-

ли ҳаётга имтиҳон топириб, умумий ўрта таълим даражасидаги кўрсаткични қўлга киритган. 2010 йилда уни Кембриж университети қошидаги математикага ихтисослаштирилган Фитсуилем коллежига қабул қилишган. У 2003 йилда Британия миллий телеканалда жонли эфирда математик амалларни мияда ҳисоблаш бўйича математикани оммалаштирувчи Жонни Боллом билан ўтказилган мусобақада ўзининг гаройиб иқтидорини яна бир бор намоийш этган ҳолда голиб бўлди.

Америкалик моҳир тилшунос ва математик олим Уильям Жейс Сидс эса, 40 дан ортиқ этник тилни яхши билган. У бошқа болалардан фарқли ўларок, гапиришни ўрганган мурғак давридаёқ ёзишни ҳам дурустгина эплар эди. Етти ёшда эса, Гоммер асарларини асл нусхада ўқий бошлаган. У ўн беш ёшга тўлгунча қадар 4 та китоб ёзишга муваффақ бўлган. Ҳайратланарлиси, бу китоблар ҳисоблаш воситаларисиз ўта мураккаб математик амалларни ҳисоблай олиши билан одамлар эътиборини қозонган. Даниел 1979 йилда Лондонда туғилган ва тўрт ёшидаёқ мураккаб сонлар устида кўпайтириш ва бўлиш амалларини бехато бажара олган. У юздан ортиқ математик белгига эга мисоллар устида бемалол ишлай олади. Айниқса, мураккаб математик амаллар устида ишлаганида, вергулдан кейинги 22 тагача бўлган сонларни аниқ айтиб беради. Шунингдек, 1000 дан ортиқ саналар унинг хотирасида бир умрга «муҳрланган» лиги ҳам кишини ҳайратга солади.

Яна бир истеъдод соҳиби — осийлик Ким Ун Ёнг халқаро илмий танлов саналадиган IQ бўйича 210 даражасидаги кўрсаткични забт этиб, Гиннеснинг рекордлар китобига киритилган. У 1963 йилда туғилган, саккиз ёшидаёқ корейс, хитой, япон ва немис тилларини билган. Шунинг таъкидлаш лозимки, у дунё бўйича бундай ёшда тўртта тилда бемалол суҳбатлаша оладиган ягона болакай тилшунос бўлган. Ҳозиргача Ким Ун Ёнг 90 дан ортиқ илмий тўпламлар ёзиб, илмий доираларга тақдим этишга улгурди ва айни пайтда ҳам қизгин илмий изланишлар олиб бормоқда.


Хуллас, мия фаолияти сарҳад билмайдиган имкониятлар манбаидир. Ундан қай даражада фойдаланиш кўп жиҳатдан кишининг ўзига боғлиқ кундалик жараён ҳисобланади

Муътабар ХУШВАҚТОВА
тайёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги «ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЦИРКИ» Республика Бирлашмаси

29 АВГУСТДАН 28 СЕНТЯБРГА

қадар давом этадиган мустақиллигимизнинг 23 йиллигига бағишланган катта байрам дастурига барча юртдошларимизни таклиф этади.



Ушбу байрам дастурига таширф буюриш билан Сиз бир-биридан чиройли, энг сара сахна кўринишларини томоша қилиб, фарзандларингизнинг мароқли дам олишларига имкон яратасиз.

Томошалар ҳар куни соат 18⁰⁰ да бошланади. 3 ёшгача бўлган болаларга кириш bepул!

Мурожаат учун телефонлар: 244-35-91, 244-35-94

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:

Шодикул ХАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Шоюнус ГАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ХАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Манзиллими: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Бюро: Г-822. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ, Сотувда эркин нархда. Адади: 8889.
1 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 22⁰⁰